

TARIX VA JAMIYAT

HISTORY AND SOCIETY
ИСТОРИЯ И ОБЩЕСТВО
общественный электронный
ЖУРНАЛ

—
JOURNAL
2022

№3

Бош муҳаррир:

Пардаев А.Ҳ. ЖДПИ, тарих факультети декани, т.ф.н. доцент.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Ақчаев Ф.Ш. ЖДПИ, тарих факультети, т.ф.б.ф.д. (PhD), доцент.

Масъул котиблар:

Саидов Ж.О. ЖДПИ, Тарих факультети ўқитувчиси

Хўжанова М. ЖДПИ, Тарих факультети ўқитувчиси

Таҳририят аъзолари:

1. Сагдуллаев А.С. – тарих фанлари доктори, Академик,
2. Аҳмедшина Ф.А. – тарих фанлари доктори, профессор,
3. Шодмонова С.Б. – тарих фанлари доктори, профессор,
4. Очилова Б.М. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
5. Чориев С. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
6. Туленова Г. Ж. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
7. Пардаев М.Ҳ. – тарих фанлари доктори, доцент,
8. Ғойибов Б.С. – тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
9. Ярмагов Р. – педагогика фанлари доктори (DSc), доцент,
10. Саидқосимов А.И. – ф.ф.б. фан доктори (DSc), доцент,
11. Амануллаев А. – ф.ф.б. фан доктори (PhD), доцент,
12. Тошбоев Ф.Э. – тарих фанлари бўйича фан доктори (PhD), доцент,
13. Миркомиллов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент,
14. Саидов М. – фалсафа фанлари номзоди, доцент,
15. Ғофуров Ж. – тарих фанлари бўйича фан доктори (PhD), доцент,
16. Ҳошимхонов М.Х. – ф.ф.б. фан доктори (DSc), доцент
17. Валиев А.Х. – катта ўқитувчи,
18. Мажидов А.С. – катта ўқитувчи,
19. Каримова Н. – ўқитувчи,

Тарих ва Жамият илмий журнали
МИЛЛИЙ ҒУРУРНИНГ МИЛЛАТ ЮКСАЛИШДАГИ ЎРНИ

Тошбоев Бобомурод-ЖДПИ, доценти

Аннотация: Ушбу мақолада муаллиф миллий ғурур шаклланишининг зарур ҳолат эканлиги, унда фақат тарихий ва мулкӣ бойлик билан ғурурланиш етарли эмаслигини маҳаллий ва хорижий муаллифлар фикрлари асосида таҳлил қилган.

Калит сўзлар: Миллий ғурур, тарихий хотира, шахс камолоти, ватан тараққиёти, Миллий юксалиш, И.Крилов.

Инсон фақат жамиятдагина шахс сифатида камолотга эришади ва ижтимоий муносабатлар жараёнида такомиллашади. Шу боис ҳозирги тараққиёт жараёнларини ўз олдига мақсад қилиб қўйган мамлакатимизда инсон тарбиясига таъсир қиладиган ва миллатнинг миллий ўзлигини англашга тўсиқ бўладиган иллатларга қарши курашиш ва унинг оқибатларини халққа тушунтириб бериш ижтимоий соҳа вакиллари асосий вазифаси ҳисобланиши керак. Маълумки, халқнинг миллий ўзлигини англаш жараёнида миллатнинг ўзига хос бўлган белги ва хусусиятлари қарор топиб бориш баробарида унинг тараққиётига тўсиқ бўладиган иллатлар ҳам бартараф этиб борилади.

Бу жараён оқибатида эса, миллат аъзолари ўртасида миллатнинг ўтмиши ва бугунидан, ютуқ ва мувафакқиятларидан ғурурланиш туйғуси пайдо бўлади. Миллий ғурур шаклланиши миллатнинг асрлар давомида тўплаган тажрибаси ва ютуқларидан ва ҳозирги пайтда қарор топаётган белги ва хусусиятларидан фахрланиш туйғусини ҳосил қилади. Юнон файласуфи Теофраст айтганидай, “Ғурур – ўзидан бошқаларга нисбатан ўзига хос нафрат”² шаклида эмас балки бошқа халқлар ютуқларига ҳасад билан эмас балки ҳавас билан қараш шаклида тарбияланмоғи керак. Шахс ҳам миллат ҳам таълим-тарбия таъсирида шаклланади. Шу боис миллат психологиясидан бир ёқлама тасаввурларни чиқариб ташлашда таълим-тарбия алоҳида аҳамиятга эга.

Ватанпарварлик туйғуси уйингнинг остонасидан бошланади, дейдилар, бу тўғри, лекин у бошланган ерда тўхтаб қолса, миллий маҳдудликка, маҳаллийпарастликка айланиб қолиши мумкин. Билъакс улуғ Ватан сари йўл бошласа, у сени халқлар дўстлигининг гўзал

² Воронцев В. Тафаккур гулшани: Ватанимиз ва хорижий муаллифларнинг афоризмлари ва ҳикматли сўзлари. –Т.: 1985. 584-6.

Тарих ва Жамият илмий журнали

бўстонига олиб боради¹.

Миллий ғурур қарор топиб бориши жараёнида миллат вакилларида миллатининг номи, кадриятлари ва анъаналари билан ғурурланиш туйғуси ҳам ортиб боради. Дунёда бошқа халқлардан кам эмаслигини ҳис қилади ва улардан ортда қолмаслик учун ҳаракат қилади.

Ғурурланиш фақат ўтмиш хотираси билан боғлиқ фахрланишдан иборат бўлиб қолса, уни миллий ғурур деб атаб бўлмайди. Бундай миллатни рус масалчиси И.Криловнинг ғозлар ҳақидаги масалидаги ғозларнинг қисматига қиёслаш мумкин. Масалда қассоб қўлига тушган ғозлар хархаша қила бошлайди: “Бизнинг аждодларимиз Римни кутқарганлар!” дея қисматларига қарши чиқадилар. “ўзингиз-чи, ўзингиз нима каромат кўрсатдингиз?” дея сўрашганда жавоб бера олмай қоладилар ундай бўлса, шўрвадан бошқа нарсага ярамас экансиз, деб қассоб уларни қазонга босади. Шундайин фақат биз ўтмишимиз билан фахрлансагу, лекин бугун учун арзирлик бирон мувафаққиятли ишни бажармасак шубҳасиз бизнинг кечмишимиз ҳам ғозлар қисматидагидай бошқалар учун “емиш” бўлишдан бошқа нарсага арзимамай қолиши мумкин.

Миллатнинг истиқболи учун жонбозлик кўрсатиб, ўз ҳузур халоватидан воз кечиб, Ватан шаънини ҳимоя қилишга тайёр кишиларнинг сони ортиб бормоқда. Бу жиҳатлар миллатимизнинг неча минг йиллар давомида тўпланган тажрибалари яна қайтадан жонланиб кишилар турмуш тарзига айланиб бораётганлигини кўрсатади. Шу билан бирга тўй маракалар азалий миллий кадриятларимиз жамоавийлик, бирдамлик, хурсандчиликка шерик ва ғамга ҳамдard бўлиш кабилар асосида ўтказилмоқда албатта бу каби унитилиш арафасига бориб қолган кадриятларимизнинг тикланиб кадр топиши қувонарли ҳодисадир.

Ўзбек халқига бунёдкорлик, яратувчанлик хос хислатдир. “Ўзбекнинг феъл-атвори барчага аён. У ерни, табиатни севади. Дўпписида сув ташиб бўлса ҳам дарахт кўкартиради. Ўзбек том маънода бунёдкордир”². Халқимизга бунёдкорлик билан бирга бошқа миллатларга ҳурмат-эҳтиром, ўзаро ҳамкорлик, ёрдам, дўстлик, қариндош-уруғчилик муносабатлари каби юксак ахлоқий фазилатлар ҳам хосдир. “Ўзбек миллий характерининг шу фазилатлари иккинчи жахон уруши йилларида намоён бўлганлигини илгари ёзган эдим, - деб давом этади Л. Левитин, - ҳозир эса, шахсий таъсуротларим билан ўртоқлашишга жазм этаман. Менинг бир дўстим бор эди, у асли европалик яҳудийлардан бўлиб,

¹ Усмонов Р. Саодатнома. Танланган асарлар. –Т.: Ўқитувчи. 1995. 19-6.

² Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. //Биз ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон. 1998. 145-6.

Тарих ва Жамият илмий журнали

Тошкентда эски шаҳарда ўзбеклар маҳалласида яшаган. У адвокат эди. Ўзбек тилини яхши билгани учун кўпинча суд ишларида ўзбекларни ҳимоя қиларди. У ҳаётдан бевақт кўз юмди. Тақдир экан оиласи йўқ эди. Шунда биз, бир неча дўстлари, дафн маросимларини ва у билан боғлиқ ҳамма ишларни ташкил қилишни ўзимизнинг муқаддас бурчимиз деб ҳисоблагандик. Лекин бунга ҳеч қандай зарурият қолмаган экан. Ўзбек кўшнилари ўз қариндошларини қандай охириги манзилга кузатишса, уни ҳам шундай кузатишган. Нима ҳам деб бўлади? Умуман бу ўринда нимадир дейишга ҳожат борми?”¹. Халқимизга хос бўлган ва ғурурланиб айтишга арзигулик бу каби хислатлар миллатимиз табиатида азалда бўлган ва ҳамон улар яшаб келмоқда.

Ютуқ – камчиликларни бартараф этиш асосида қўлга киритилгани каби бу соҳада ҳам мувафакқиятларга эришиш учун миллат психологиясига ўтроқлашиб қолган, тараққиётга салбий таъсир кўрсатадиган айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, ўтмиш аждодларимиз мероси билан мағрурланиш, бой тарих билан мақтаниш ва дунё халқлари маданий меросида муносиб ўрин эгаллайдиган моддий ва маънавий меросни кўз кўз қилиш ҳамда энг ачинарлиси тўй-маъракаларни дабдабали кўринишда ўтказиш, ичкиликбозлик, туғилган кунни керагидан ортиқ нишонлаш, бешик, суннат тўйи, ортиқча сарполар қилиш, қалин пули тўлаш, дабдабали уйлар солиш каби айрим ўткинчи хойу-хавасларга берилган ҳамда улар билан ғурурланиб юриб ўзи жамият, давлат ва миллат учун арзигулик ишлар қилмайдиган одамлар ҳам йўқ эмас. Булар оқибатида тараққиёт учун хизмат қилиши керак бўлган сармоянинг нотўғри мақсадларга сарфланаётганлиги миллий тараққиёт учун салбий таъсир кўрсатмоқда.

“Рости бизда маишатга – истеъмолдан, еб-ичишдан кечадиган маишатга, кўнгил хушликка мойиллик борлигини тан олишимиз керак - деб ёзади, “Ўзбекистон овози” муҳбири А. Жонузоқов. Тўй маракалар кўргазмага айланиб кетади. “Чойхона”, “Гап”, “Гаштак” номли ҳафталик ойлик йиғинларимизнинг асл мақсади ҳам овқатбозликка айланиб кетади... Машина ёки уй олганини фалон миқдордаги пул сарфлаб нишонлаган ота, фарзанди синфхона таъмири учун 1000 сўм сўраса, бир сапчиб тушади. “Гап” деса емакни тушунамиз, тўй дейилса 4-5 хил таом хаёлимизга келади, маишатни таом ейишдан излаймиз, дам олиш овқатланиш орқали амалга ошади...”². Журналист миллат тақдири хусусида ачиниб ёзгани каби дам олиш, бекор вақтни ўтказиш, меҳмон

¹ Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш даврида 181-б.

² Жонузоқов А. Миллат ва маънавият. /Ўзбекистон овози. 2002. 30- март.

Тарих ва Жамият илмий журнали

кутиш, меҳмондорчиликка бориш каби вақтимизни ўтказишнинг барча шакллари чойхона ва овқатланиш билан боғлиқ ҳодисага айланиб бормоқда. Миллат характери чойхонада, овқат ейиш билан шакллантирилса, шахс кеча, ундан олдинги ёки ўтган якшанбада нима еганини айтиб, мақтаниб тарбияланса миллат тақдири хавф остида қолмайди-ми?

Шунингдек, хотин-қизларимиз зеб-зийнатга кундан кун ўч бўлиб бормоқда, хотин-қизлар билан бирга эр-йигитлар ўртасида ҳам бойлик тўплаш ва тўпланган мулк билан ўзини кўз-кўз қилиш ва у билан мағрурланиб юришга мойиллик кучаймоқда. Мулкдан бошқа нарсани ўйламайдиган одам ҳаётдан қувонмайди. Буни изоҳлаш қийин эмас – деб ёзади машҳур корейс бизнесмени Ким У Жунг – очкўзлик чегара билмайди. Очкўзликка гирифтор одам доимо ўзини ҳеч вақоси йўқ камбағалдек ҳис қилаверади. Бойлик ғурурланиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Ўз бойлиги билан мақтаниш тентакликдир. Агар мақтанадиган бўлса, орттирилган бойликка эмас, балки ундан қандай фойдаланилаётганлигига ва унинг бирор ишга фойдаси тегаётганлигидан мақтаниши керак¹.

Шундай қилиб, фуқароларда ғурурланиш туйғусини тўғри шакллантирилса улар ўткинчи хайу-хавасларга берилмасдан, умрларини бойлик тўплашга бахшида қилмасдан, тарихда яшаб ўтган халқ вакиллари ютуқлари билан мақтанмасдан балки ўзлари бирон бунёдкорлик учун ҳисса қўшса, ортирилган бойликлари одамлар учун қандай фойдаси тегаётганлиги билан мағрурланса бизнингча, халқ истаги ва давлат мақсади бўлган миллий юксалиш жараёнлари тезлашиши мумкин.

¹ Ким У Жунг. Бизнеснинг буюк олами. -Т.: Ўзбекистон. 1997. 116-б.